



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Ўзур тумани 2022 йил 16 сентябрь 4-1803-2202/ [REDACTED]-сонли иш

Ўзур туманлараро иқтисодий судининг судьяси Н.С.Хўжақуловнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.С.Шамсиддиновнинг қотиблигида, Ўзур туман прокуратураси даъвогар [REDACTED] МЧЖ манфаатида, жавобгар Ўзур туман ҳокимлигидан 309 000 000 сўм асосий қарз, 9 270 000 сўм пеня ва суд харажатларини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни даъвогар раҳбари [REDACTED], жавобгар вакили [REDACTED] (14.09.2022 йилдаги 01/382-сонли ишончнома асосида), Ўзур туман [REDACTED] вакили [REDACTED] (16.09.2022 йилдаги 2-сонли ишончнома асосида), Ўзур туман Ғазначилик бўлинмаси вакили [REDACTED] лар (16.09.2022 йилдаги 1-сонли ишончнома асосида) иштирокида, Ўзур туманлараро иқтисодий суди биносида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Ўзур туман прокуратураси даъвогар [REDACTED] МЧЖ (бундан буён матнда - даъвогар) Ўзур туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, [REDACTED] дан (бундан буён матнда жавобгар) 309 000 000 сўм асосий қарз ва 9 270 000 сўм пеня ва суд харажатларини ундиришни сўраган.

Суднинг 2022 йил 5 сентябрдаги ажрими билан ишга низонинг предметига мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида Ўзур туман Ғазначилик бўлинмаси ва Ўзур туман Молия бўлими жалб қилинган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили ўз кўрсатмасида, жавобгар билан 2022 йил 12 январь куни 29-сонли шартнома тузганлигини, ушбу шартномага асосан жавобгарга 15 дона моноблок (компютер) ҳамда 51 дона принтер етказиб берганлигини, бироқ жавобгар ушбу етказиб берилган моноблок ва принтерлар учун тўловларни бугунги кунга қадар амалга оширмаганлигини, қарздорликни тўлаб бериш бўйича жавобгарга талабнома юборганлигини, бироқ талабномаси оқибатсиз қолганлигини, ҳар бир дона моноблокни 6 670 682 сўмдан, принтерни эса 3 382 608 сўмдан етказиб берганлигини, жавобгар билан биржа орқали шартнома тузиш керак эканлигини, бироқ жавобгар моноблок ва принтер зарур эканлигини, шу сабабли тезроқ етказиб бериши кераклигини билдиргани учун шартномани тўғридан-тўғри тузганлигини, тўловда муаммо бўлмади деб

айтишганлиги сабабли олдиндан тўловсиз етказиб берганлигини билдириб, даъво талабини тўлиқ қаноатлантириб беришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар вакили ўз кўрсатмасида, ҳақиқатдан ҳам даъвогар билан 2022 йил 12 январда шартнома тузилганлигини, шартномага асосан жавобгардан 49 дона моноблок ва 51 дона принтер олинганлигини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 ноябрдаги 52-сонли қарори билан туман ҳокимликларига ҳоким ёрдамчилари штати ташкил этилганлигини, ушбу қарорда ҳоким ёрдамчиларини зарурий компьютер жиҳозлари билан таъминлаш ҳам назарда тутилганлигини, ушбу қарорга асосан даъвогар билан шартнома тузиб моноблоклар ва принтерлар олинганлигини, ушбу қарздорликни тан олишини билдириб, суддан қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган Ғузор туман Ғазначилик бўлинмаси вакили ўз кўрсатмасида, тарафлар ўртасида тузилган ушбу шартнома туман Ғазначилик бўлинмасидан электрон рўйхатдан ўтмаганлигини билдириб, иш бўйича қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган Ғузор туман Молия бўлими вакили ўз кўрсатмасида, ушбу даъво аризаси бўйича қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Ғузор туман прокуратураси суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган бўлса-да, суд мажлисига келмаган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128, 170-моддаларига асосан суд ишни Ғузор туман прокуратураси вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд ишда иштирок этган шахсларнинг тушунтиришларини тинглаб, даъво аризасида келтирилган ҳолатларни иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидаги асосларга кўра даъвони қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларига кўра, тарафлар ўртасида 2022 йил 12 январь куни 29-сонли олди-сотди шартномаси тузилиб, шартномага кўра даъвогар (сотувчи) ўзига тегишли маҳсулотларни жавобгар (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш, жавобгар (сотиб олувчи) эса маҳсулотни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Даъвогар томонидан жавобгарга ҳисоб-фактураларга асосан жами 15 дона 113 111 574 сўмлик моноблок (компьютер) ва 51 дона 195 888 426 сўмлик принтер маҳсулотлари етказиб берилган. Ушбу маҳсулотларни жавобгар қабул қилиб олган бўлса-да, ушбу маҳсулотлар учун жавобгар томонидан бугунги кунга қадар тўлов амалга оширилмаган.

Даъвогар томонидан ушбу қарздорликни тўлаб беришни сўраб жавобгарга юборган 04.06.2022 йилдаги 07-сонли талабномаси жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Натижада ушбу низо келиб чиқиб Ғузор туман прокуратураси даъвогар манфаатида даъво аризаси билан Ғузор туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда - ФК)нинг 8, 234-моддаларига кўра мажбуриятлар шартномадан, зиён

етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Мазкур ҳолатда тарафларнинг мажбуриятлари шартномадан келиб чиққан.

ФКнинг 386-моддасига кўра олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади.

Мазкур ҳолатда суд даъвогарнинг даъво талабини асосли деб ҳисоблайди. Чунки, ФКнинг 419-моддасига кўра, агар қонун ҳужжатлари ёки олди-сотди шартномасининг шартларидан товар баҳосини муайян муддатда тўлаш мажбурияти келиб чиқмаса, сотиб олувчи уни сотувчи ўзига товарни ёки ушбу товарни тасарруф қилиш ҳужжатларини берганидан сўнг кечиктирмасдан тўлаши лозим.

Агар олди-сотди шартномасида товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи сотувчига топширилган товарнинг тўлиқ баҳоси миқдорида ҳақ тўлаши лозим.

Иш ҳужжатларида кўринишича даъвогар томонидан жавобгарга 2022 йил 14 январдаги 4-сонли хисоб-фактура орқали 15 дона 113 111 574 сўмлик моноблоклар (компютер), 51 дона 195 888 426 сўмлик принтерлар етказиб берилган.

Ушбу етказиб берилган жами 309 000 000 сўмлик маҳсулотлар учун жавобгар томонидан тўлов амалга оширилмаган. Тарафлар ўртасида 2022 йил 2 майдаги 4-сонли икки томонлама тасдиқланган акт сверкада жавобгарнинг даъвогардан 309 000 000 сўм қарздорлиги мавжудлиги тасдиқланиб, бу ҳолат жавобгар томон вакилининг кўрсатмаси билан ҳам тан олинган.

Шу сабабли суд, даъвогарнинг 309 000 000 сўм асосий қарз ундириш тўғрисидаги даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топди.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 4.3-бандида етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.01 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди деб кўрсатилган. Даъвогар шартноманинг ушбу банди талабларини қўллаб, жавобгардан тўланмаган 309 000 000 сўм қарздорликнинг учун 9 270 000 сўм пеня ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддасига кўра бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар юридик мажбуриятлар юзага келишини тасдиқловчи ҳужжатларни ғазначилик бўлимларида рўйхатдан ўтказиш учун жорий молия йилининг 25 декабридан кечиктирмай тақдим этиши кўрсатилган.

Бироқ, шартнома тузилиб, қурилиш ишлари бошланиб, яқунланган бўлишига қарамасдан, тарафларнинг айби билан шартнома ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказиш чоралари кўрилмаган.

Ушбу олди-сотди шартномаси юзасидан асосий қарздорликка нисбатан даъвогар томонидан мажбуриятни бажарилмаган қисмига ҳисоблаб жавобгардан ундириш талаб қилинаётган пеня мажбуриятини бажарилмаслигига сабаб, жавобгар билан тузиладиган шартномалар давлат харидлари порталида электрон тарзда тузилиб ғазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтиши лозим бўлган, бироқ, тарафлар ўртасида тузилган ушбу шартнома электрон давлат харидлари портали орқали тузилмаган ҳамда Ғузор туман Ғазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтмаган, даъвогар вакили жавобгар билан тузиладиган шартномалар электрон тарзда тузилишидан хабардор бўлган ва тарафлар томонидан ушбу талабга риоя қилинмаган.

ИПКнинг 68-моддасига мувофиқ ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Юқоридагиларга асосан суд, даъвогарнинг жавобгардан 9 270 000 сўм пеня ундириш талабини қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига асосан давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

ИПКнинг 118-моддасига кўра, даъвогар тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан республика бюджетига ундирилади. Давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилган даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланиб даъво тақдим этилган шахслардан даъво талабларининг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади.

Баён этилганларга кўра суд, даъвогарнинг даъво аризасини қисман қаноатлантиришни, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 309 000 000 сўм асосий қарз, 24 000 сўм почта харажати ҳамда Республика бюджетига 6 180 000 сўм давлат божи ундиришни, даъвогардан даъво талабининг рад қилинган 9 270 000 сўм пеня ундириш қисми учун Республика бюджетига 185 400 сўм давлат божи ундиришни, даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантиришни рад қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 68, 118, 176-179, 186, 192-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и :

Даъвогарнинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар Ғузор туман ҳокимлиги ҳисобидан:

- даъвогар [] МЧЖ фойдасига 309 000 000 сўм асосий қарз, 24 000 сўм почта харажати;

- Республика бюджетига 6 180 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъвогар [REDACTED] МЧЖ ҳисобидан Республика бюджетига 185 400 сўм давлат божи ундирилсин.

Даво талабининг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қарори устидан қарор қабул қилинган кундан кейин бир ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодексида белгиланган тартибда апелляция шикояти бериши (протест келтириш) мумкин.

Судья

Н.С.Хўжақулов